
Дараҳт ўтқазишишнинг савоби улуғдир

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 2-ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидан сўнг, 2-ноябрдан 10-декабрга қадар дараҳт экиш бўйича "долзарб 40 кунлик" акция эълон қилинди.

Мазкур топшириқ ижросидан келиб чиқиб, Риштон туманида ҳам манзарали дараҳт ва бута кўчатларини экиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Бугунги кунда туманимизда "Яшил макон" умуммиллий лойихаси жадаллик билан давом эттирилмоқда. "Долзарб 40 кунлик" акцияси доираси икки ярим мингдан ошиқ мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилиши режалаштирилган.

Айни кунларда барча умуммиллий лойиҳада фаоллик билан иштирок этишмоқда.

????Риштонлик юртдошларимиз ҳам давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 2 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларга асосан, хайрли ишларни бошлаб юборишган. Улар "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш мақсадида 2 ноябрдан 10 декабрга қадар дараҳт экиш бўйича "долзарб 40 кунлик"да фаол қатнашмоқда. Жумладан, бугун ушбу акция доирасида Риштон туманидаги Хожиқишишлөк, маҳалласи ҳудудида дараҳтлар экилмоқда.

¤Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2 ноябрь куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди.

????Йиғилишда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳам кўриб чиқилиб, 10 декабрга қадар дараҳт экиш бўйича "долзарб 40 кунлик" эълон қилинди.

□Ушбу савобли ишда ҳар бир ташкилот, ҳар бир фуқаро ўз ўрнини топиши кераклиги таъкидланди.

????Шунга кўра бугун, 9 ноябрь куни эрта тонгдан туманимизнинг М.Топиволдиев МФЙда кўчат экиш ишлари олиб борилди.

2021-11-09 13:03:24